

Иқтисодий-хукуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ


Ўзбекистон Республикаси Боз вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида Хукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи ҳақида



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 15-бандига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Боз вазири Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги маъруzasида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ хукумат томонидан амалга оширилаётган демократик бозор ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги чора-тадбирлар дастури ҳақидаги ҳисботини эшилди. Шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури ижросининг бориши ҳам кўриб чиқилди. Таъқидландик, Концепция мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, давлат ҳокимиюти ва бошқарувини изчил демократлаштириш, ҳокимиюти тармоқларга бўлинишининг конституциявий принципини амалга ошириш,

шунингдек демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришда янги босқични белгилаб берди. Боз вазирнинг ҳисботини эшитиш Концепцияга мувофиқ 2011 йил апрель ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98 моддалари)»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини рўёбга чиқаришда амалий қадам бўлди, бинобарин бу марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимиюти органларининг қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя қилиш, ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим дастурларни бажариш борасидаги фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш бўйича қонун чиқарувчи ҳокимиютининг ролини, ваколатларини кучайтиришнинг муҳим омили бўлди.

Маърузада таъқидланганидек, хукумат бозор ислоҳотларининг хукукий базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастурига (бундан бўён матнда давлат дастури деб юритилиди) мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан



кистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурини бажариш мақсадида 2011 йилнинг биринчи яримда Хукумат томонидан «Кредит ахбороти алмашини тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсатномалар бериш тартиб-коидалари тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Конунчилик палатасига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастурига (бундан бўён матнда давлат дастури деб юритилиди) мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан

2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

2011 йил 22 июляда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йил 21 январда республика Хукумати мажлисида бўлгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда амалга оширилаётган демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш чора-тадбирлари дастури, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Боз вазири томонидан жорий йил 15 июляда мамлакат Парламентининг иккала палатаси қўшма мажлисида берган ҳисботи якунлари ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, 2010 йил 12 ноябрда республика Парламентининг иккала палатаси қўшма мажлисида баён қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига республика Хукумати томонидан иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва эркинлаштиришга, хусусий мулкнинг ҳукукларини мустаҳкамлашга, уни ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатлари тизимини яратишига, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча тўсикларни бартараф этишига йўналтирилган 12 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги қайд этилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури доирасида қабул қилинган, шу жумладан қуай ишбилармонлик мухитини яратишига, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш

ва юритиш тартиб-коидаларини янада соддалаштиришга, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тубдан қисқартиришга, уларнинг товар-хом ашё ресурсларидан, давлат харидлари тизимидан ва имтиёзли кредитлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 15 июлядаги қўшма қарорида барча даражадаги ижро ҳокимиюти органлари фаолиятига берилган танқидий баҳони қайд этган ҳолда, мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир комплекси, ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий ижро ҳокимиюти органининг демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш юзасидан кўйилган вазифаларни бажариш бўйича фаолияти натижалари ва кўшган ҳиссаси батафсил таҳлил қилинди.

Энг қуай ишбилармонлик мухитини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиклар ва бошқа ғовларни, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан зарур ишлар амалга оширилишини таъминламаётган айрим вазирлар, идоралар ва маҳаллий ижро ҳокимиюти органлари раҳбарларининг фаолияти қаттиқ танқид остига олинди. Таркибий тузилмаларининг фаолияти устидан зарур назорат таъминланмагани ва улар томонидан тадбиркорлик субъектларида ноқонуний текшириш ўтказилишига йўл кўйилгани учун республика ветеринария ва санитария-эпидемиология назорати хизматларининг раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Мамлакатимиз Парламентининг жорий йил 15 июлядаги қўшма қароридан келиб чиқадиган вазифа-

3-бетда

ХУКУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

Қонунчиликдаги янгиликлар


**ЯНГИ
ҲУЖЖАТЛАРНИ
ТАҚДИМ ЭТАМИЗ**



Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги Эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишиниз мумкин.

ДЕНГИЗГА ЙУЛ

Президентнинг 2011 йил 13 июлдаги ПК-1579-сон қарори билан Эрон Ислом Республикаси, Уммон Султонлиги, Катар давлати, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўтга-



сида Ҳалқаро транспорт ҳамда транзит йўллагини ташкил этиш тўғрисида 2011 йил 25 апрель куни Ашхобод шахрида имзоланган Битим (Ашхобод Битими) тасдиқланди. Ушбу ҳужжат кучга кириши билан Ўзбекистоннинг денгиз портларига йўли очилади, бу эса тадбиркорларимизга юкларни анча арzon тушадиган усул – денгиз йўли орқали қабул қилиш ва жўнатиш имкониятини беради.

ҮЙ ҲАЙВОНЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАЙДИГАНЛАР ЭЪТИБОРИГА

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги «Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва саклаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 202-сон қарори билан 2011 йил 1 августдан бошлаб фаолият кўрсатаётган итларни тутиш бригадалари негизида шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузурда қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қуйидагилар шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимларининг асосий вазифалари этиб белгиланди: кўчаларда ва бошқа жойларда қаровсиз

4-бетда

1-3-бетлар

Ислоҳотлар одимлари

4-бет

Қонун ҳужжатларига
қисқа шарҳ

Б-бет

Савол сиздан,
жавоб биздан

7-бет

Иш ҳақидан қанча ушлаб
қолиш мумкин

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК

ҚЎШМА

1-бетда

кулай ишбилармонлик мұхитини яратишига, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган ташкилий-хукуқий чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди. Кичик бизнес субъектарининг давлат харидлари тизимида иштирок этишини ҳамда юқори ликвиди маҳсулотлар олиш имкониятини кенгайтириш, экспорт құлувчи корхоналарнинг маҳсулоттарини вәлид кириладиган технология асбоб-ускуналарни сертификатлаштириш тартибини анча соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятiga дахлор солиқ тексирүларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес корхонаси ташкил этилди, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни яратилди. Кичик бизнес корхоналарининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳажми 20,4 фоиз, экспорт ва ўз маҳсулотини биржа савдолари орқали реализация килиш ҳажмлари 1,5 баробар кўпайди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиб шуни таъкидлайдики, бозор иқтисодий испоҳотлари ва мамлакатни модернизация килиш йўлида янада илгарилаб бориш бўйича Ҳукумат томонидан олиб борилаётган иш ҳозирча Мамлакатимизда демократик испоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўйилган талабларга жавоб бермайди, жорий йил учун тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури эса белгиланган муддатлардан жиддий равиша орқада қолиб амалга оширилмоқда.

Бундай вазият, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг маърузасида бән қилинган иқтисодиётни испоҳ қилишини ва биринчи навбатда, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чукурлаштириш, такомиллаштириш ва либералаштириш, хусусий мулк ҳукуқини мустаҳкамлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатлари тизимини яратиш бўйича олиб борилаётган барча ишни янги даражага кўтаришнинг қатъий зарурлиги тўғрисидаги талабларга дахлдордир.

Бозор иқтисодиётининг асоси ҳисобланган хусусий мулкни ривожлантириш йўлидаги барча говларни бартараф этиш, ортиқа бюрократик тўсиқларга барҳам берадиган, иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлайдиган, хусусий мулк кўламларини кенгайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улуши ошишига кўмаклаштириш қонун ҳужжатларини қабул қилиш жуда муҳим.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида ҳуусий инвесторлар жалб этилишини рағбатлантириш, хусусий мулк реал иқтисодиёт соҳасида, биринчи навбатда, саноатда ва унинг етакчи тармоқларида етакчи ўринни эгаллашига эришиш ўз ечимини талаб қилаётган долзарб масаладир.

Давлат ва назорат құлувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятiga ноконун аралашуви ҳолларига тоқат қилиб бўлмайди, уларни таг-томири билан йўқ қилиб ташлаш керак.

Мажлис давомида таъкидланди, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини рўёба чиқариш Ўзбекистон учун жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий оқибатларига самарали қарши туриш, шунингдек иқтисодий ривожланишининг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берди. Шу билан бирга жаҳон иқтисодиётидаги ишларнинг ахволи, кўпгина мамлакатларда давлат қарзининг ўсиши, бюджет тақчилигининг кўлайб бораётганини, бу эса ўз навбатида давлат харажатлари жиддий камайишига, жаҳон молия бозорини мустаҳкамланмаган пул массаси билан тўлдиришга олиб келаётганини каби салбий ҳолатларнинг мавжудлиги, бу жараёнлар Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам албатта дахл

килиши назарда тутиладиган бўлса, бизни жиддий ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Шу жиҳатдан олганда иқтисодиётдаги, юқори технологияли ишлаб чиқаришлар илдам ривожланишини таъминлаш борасидаги тузилмавий ўзгаришларнинг орқада қолаётганини, инновацион технологияларни жорий этишининг ҳолати ташвишга солмоқда.

Иқтисодиётни диверсификациялаш масалалари жуда жиддий эътиборни талаб қиласади. Инвестиция дастурига киритилган корхоналарни модернизация килиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашнинг энг муҳим йўналишлари бўйича ажратилган маблаларнинг ўзлаштирилишида ва бир қатор

«В.П.Чалов номидаги Тошкент авиаация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида молиявий жиҳатдан оғир аҳвол сақланиб қолмоқда, ушбу жамиядта банкротлик тартиб-таомилларини амалга ошириш бошланган.

Олий Мажлис шуни таъкидлайдики, сўнгги йилларда иқтисодиётни янада испоҳ қилиш, либералаштириш ва модернизация қилишга қаратилган жами 400 тадан ортиқ қонун қабул қилинди. Айни вақтда қабул қилинган қонуларни амалга ошириш бўйича ёндашувлар жиҳатидан ҳам, уларнинг ижросини назорат қилиш жиҳатидан ҳам ҳукуқни қўллаш амалиётини тубдан ўзгариши талаб қилинмоқда. Бу эса, биринчи на вбатда, қабул қилинган қонуларни ва норматив-хукуқий ҳужжатлар амалга оширилишини назорат қилиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаётганининидан, шу жумладан, депутатлар корпусининг эътибори сустлигидан далолат беради.

Жорий йилнинг биринчи ярмида адлия органлари томонидан ўтказилган текширувларнинг якунлари бўйича давлат бошқаруви органларининг 169 та файриконуний қарори бекор қилинди, 742 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди, уларнинг 45 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 100 нафардан ортиғи эса маъмурий жавобгарлика тортилди.

Концепцияда, давлат дастурида мамлакатда бозор испоҳотларини чукурлаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш соҳасида белгиланган вазифаларни изчилини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор испоҳотларини янада чукурлаштириш ва иқтисодиётни либералаштириш борасида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига қўйидагилар тавсия этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан кўриб чиқиш якунларини Вазирлар Махкамасининг 2011 йил биринчи ярмида ижтимоий-иктисодий ривожланиши якунларига бағишиланган мажлисида муҳокама қилиш, муҳокама жараённида билдирилган тақлифлар ва фикр-мулоҳазаларни, ушбу Қарорнинг қоидларини амалга оширишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар мажмумини белгилаш;

Концепциянинг VI бўлимида ҳамда давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилиши мунтазам равишда қатъий назорат қилинишини, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ушбу вазифалар сўзсиз бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириши таъминлаш;

иктисодий испоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари мансабдор шахслар томонидан бузилганлиги учун тегишили жавобгарлик чора-тадбирларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасига киритиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳукуки кўллаш амалиётидаги бирократизм, расмиятчилик, коррупция кўринишларига қарши курашиб юзасидан қонунда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукукларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Чет эл инвестицияси тўғрисида»ги Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам албатта дахл

қистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини, янги таҳрирдаги Божхона кодексини ўз вақтида сифатли ишлаб чиқишини ташкил этиш ва шу йилнинг III чорагида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш;

Концепция қоидаларини амалга ошириши доирасида тайёрланган ва катта ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини кенг муҳокама этиш ҳамда жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши, шу жумладан, бу ишга тижорат ва тадбиркорлик тузилмалари, жамоатчилик ва нодавлат нотижорат ташкилотларни кенг жалб этиш йўли билан ташкил этиш;

экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, маҳаллий хомашёни чукур қайта ишлашни ва юқори қўшимча қўматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқишини таъминлайдиган, илмий ечимлар талаб қиласади, юқори технологияли экспортта мўлжалланган саноат ишлаб чиқишиларини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини кўриш;

2011 йилнинг II ярмида фаолиятнинг лицензияланадиган турлари рўйхатини ва давлат бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган рухсатнома бериш тартиб-таомилларини қисқартириш, қабул қилинган қарорларни амалга оширишда масъулиятсизликка, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун ортиқа бюрократик тўсиқлар ва говлар яратилишига йўл кўяётган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги чора-тадбирларини кучайтириш қозасидан қўшимча тақлифлар киритиш;

жорий йилда касб-хунар коллежлари битирувчилари ўзларининг эгаллаган мутахасисликларига мувофиқ ишга жойлаштириш, касб-хунар коллежлари таъминлайдиган турлари ҳисобидан иш билан таъминлаш, касб-хунар коллежлари дирекциялари, ўқувчилар ва корхоналар ўртасида тузилган уч томонлама шартномаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан таъсиридан чоралар кўриш;


2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини миңтақаларда бажариш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш қандай бораётганини мониторинг қилиниши ва ҳар ойда танқидий кўриб чиқилишини таъминлаш.

3. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик субъектларини амалга ошириш учун қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар бериш; тадбиркорларнинг солиқ ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини соддлаштириш; кичик корхоналар учун ташкиларига бағишиланган мажлисида белгиланган тақлифлар ва фикр-мулоҳазаларни, ушбу Қарорнинг қоидларини амалга оширишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар мажмумини белгилаш;

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бозор испоҳотларини янада чукурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини амалга ошириш учун қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар бериш; тадбиркорларнинг солиқ ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини соддлаштириш; кичик корхоналар учун ташкиларига бағишиланган мажлисида белгиланган тақлифлар ва фикр-мулоҳазаларни, ушбу Қарорнинг қоидларини амалга ошириш учун ташкиларига бағишиланган мажлисида белгиланган тақлифларни оширишини таъминлаш;

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан гайриқоний ҳаракатларни амалга ошириши ҳолатларига йўл қўймасликка, шу жумладан, вазирликлар ва идораларнинг вилоятлар ҳокимларининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳукуклари ва манфаатларини чеклайдиган қонун ости ҳужжатларини, қарорларни бекор қилишни таъминлаш орқали йўл қўймасликка; бу соҳада ҳукубузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги тўғрисида тақлифлар тайёрлашга қаратилган ишларни кучайтиурсин;



Бевосита мулокот

ДАЛОЛАТНОМАНИНГ БҮЛГАНИ МАЪҚУЛ, ХИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА ЭСА БЎЛИШИ ШАРТ

 Корхона матбаа билан шугуланади (таширифномалар, буклетлар ва бошқа шу каби маҳсулотлар тайёрлайди).

1. Буюртмаларни бажариш чоғидаги бозосилган маҳсулотни мижозларга берамиз, улардан ишончнома оламиз ва ҳисобварақ-фактура ёзиб берамиз. Ушбу ҳужжатлар етарлими ёки билан шартнома бўйича ишларни бажарганигимизни тасдиқлайдиган яна бирор-бир тасдиқловчи ҳужжатлар, масалан, бажарилган ишлар далолатномаси кераки? Биргина ҳисобварақ-фактура билан чекланса бўладими? Агар бажарилган ишлар далолатномалари бир неча йил давомида тузилмаган бўлса, бу ҳуқуқбузарлик ҳисобланадими ва солик органлари фирмага бунинг учун жарима солишлари мумкини?

2. Қоғоз ва бўёкни ҳисобдан чиқариш бўйича бирор-бир меъёрлар мавжудми?

- 1. Бажарилган ишлар босилган маҳсулот ҳажмига далолатнома билан расмийлаштирилиб, ҳисобварақ-фактура ёзиб бериди. Тайёр маҳсулотни топшириш ҳужжат (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки шунга ўхшаган бошқа ҳужжат) билан расмийлаштирилади ва буюртмачининг вакилига, агар унда олуви чашкилотнинг ишончномаси мавжуд бўлса, топширилади (Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериши ва уларни ишончномалар бўйича бериши тартиби тўғрисида низомнинг¹ 2, 4, 9-бандлари).

Бажарилган ишлар далолатномасини тузган маъқул. Ушбу фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ҳужжат бажарилган ишлар на-тижаларини қабул қилиш-топшириш да-

¹Молия вазирининг АВ томонидан 2003 йил 27 майда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган бўйруғи билан тасдиқланган.

СОЛИҚ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ КАСДДАН ҚИЛИНМАГАНДА

 Объектив ҳолатларга кўра корхонамиз ҳисобрақамида ходимларга иш ҳақи тўлаш учун ҳам пул маблаглари йўқ эди. Солиқларни биз картотекага қайд этардик. Солиқ инспекциясида бизга пея ҳисоблаб ёзишиди ва раҳбарият солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлиги учун маъмурий жавобгарлика тортимиши керак дейишиди. Биз уларга эътироуз билдириб, қасддан бўйин товлаш учун жавобгарлик назарда тутилган, корхонамиз эса солиқларни ўз вақтида тўламаганида маъмуриятнинг айби йўқ дедик. ДСИда бундука ҳеч қандай иш кўриб чиқилмади, жарима солиши тўғрисида қарор чиқарилмади. Ҳозирча ҳаммаси оғзаки музокаралар ва ҳуқуқбузарлик баённомасини тузиш учун инспекцияга келишимизни талаб қилиш билан чекланяпти, баённомага асосан солиқчилар биздан (раҳбар ва бош бухгалтердан) жарима ундириш ниятидалар.

Агар бизнинг ўзимиз ушбу солиқ суммаларини ўз вақтида картотекага қайд қилган, тўлов топшириқномаларининг нусхаларини солиқ инспекциясига етказган бўлсан, бизни маъмурий жазога тортишга ҳақлинилар? Энг қизиги, солиқ қарзи суммасини солиқчилар айнан бизнинг тўлов топшириқномаларимизга қараб аниқладилар.

Корхона директори.

- Йўқ, ҳақли эмаслар.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан кейин – МЖТК) 174-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик деб солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳисобланади. МЖТКнинг 11-моддасига кўра башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги файрихуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқшига онгли равиша йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбу-

¹МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Телефон орқали «Norma» МЧЖ эксперт юридик хизмати бошлиги
Артём МОКШИН жавоб берди.

Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қўйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, X.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

Биз катта ҳажмларда мебель ишлаб чиқариш билан шугуланиши режалаштиряпмиз.

 Юридик шахснинг қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаган маъқул ёки ушбу фаолият тури билан якка тартибдаги тадбиркор сифатида шугулланган яхширокми?

Агар ушбу фаолият тури билан якка тартибдаги тадбиркор шугулланса, у бошқа шахсларни ишга жалб этиши мумкини? Мазкур фаолият тури учун лицензия кераки?

Т.Грицинина, газетхон.

ТАДБИРКОР ИШЛАБ ЧИҚАРА ОЛМАЙДИ

- Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугуланиши мумкин бўлган фаолият турларининг рўйхатига¹ мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор фақат тайёр деталлардан мебель йиғиши, уни таъмиралиши мумкин, бироқ уни ишлаб чиқаришга ҳақли эмас.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун² 6-моддасининг иккичи қисмiga кўра, якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳукукисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишили бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишили бўлган мол-мулк негизида мустақил равиша амалга оширилади. Шу сабабли якка тартибдаги тадбиркор ишга ёрдамчиларни қабул қилишга ҳақли эмас.

Мебель ишлаб чиқариш ва бу ишга ходимларни ёллаш учун юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш керак.

Ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шаклининг мақбул ва номақбул жиҳатлари мавжуд. Қуйидаги жадвалда хусусий корхонанинг МЧЖдан асосий фарқлари кўрсатилган.

Масъулияти чекланган жасами	Хусусий корхона
Устав фонди (капитали)нинг энг кам миқдори	ЭКИҲнинг 40 баравари (Президентининг 12.05.2011 йилдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиши ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибига янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-1529-сон қарори 2-бандининг иккичи хатбошиси)
Иштирокчилар (муассислар), мулкдорларнинг жавобгарлиги	Устав капиталидаги улуш чегарасида. Бошқа иштирокчилар ёки жамиятнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда МЧЖ иштирокчилари орасидан суд тартибидаги чиқарип ташланиши мумкин (6.12.2001 йилдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўлишмача масъулиятни жамиятлар тўғрисида» 310-II-сон Қонун З-моддасининг биринчи қисми)
Дивидендлар ва фойдага солиқ солиши	Дивидендлар тарзидаги даромадларга тўлов манбайдаги 10%лик ставкада солиқ солинади (СК 165-моддасининг иккичи қисми; 184-моддасининг 3-банди; Президентининг 24.12.2010 йилдаги ПК-1449-сон қарори 3-банди). Жисмоний шахслар ўзлари таъсис этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан олган дивидендлар 2014 йил 1 январгача тўлов манбайдаги солиқ тўлашдан озод этилган (Президентининг 29.12.2008 йилдаги ПК-1024-сон қарори 5-банди; Дивидендлар кўриншиидаги даромадларни солиқ солидан озод этиши тўғрисида низомнинг (АВ томонидан 10.02.2009 йилда 1901-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2-банди)

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун³ ва Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига⁴ мувофиқ мебель ишлаб чиқариш лицензияланмайди.

¹ВМнинг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 1-илова.

²2000 йил 25 майдаги 69-II-сон.

³2000 йил 25 майдаги 71-II-сон.

⁴ОМнинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарорига 1-илова.

Телефон орқали «Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси Елена ЕРМОХИНА жавоб берди.

ОНА УЧУН ҚЎШИМЧА ҲАҚЛАР

Мен декрет таътилидаман. Иш жойимда менга декрет пули ва бола туғилганлиги муносабати билан бир марталик нафака тўлашди. Ҳозир бола 2 ёшга тўлгунча бериладиган болани парваришлаш нафақасини оляпман. Корхонамида туман коэффициентлари белгиланган. Бироқ юқорида кўрсатилган барча тўловлар уларни ҳисобга олмасдан берилган. Ушбу нафақаларга туман коэффициентлари ҳисоблаб ёзиладими?

Нафақаларни ҳисоб-китоб қўлганда кўп йил ишлаганлик учун қўшимча ҳақлар ҳисобга олинадими?

Оксана.

— Бола туғилганда, шунингдек хомиладорлик ва туғиши бўйича нафака тўлаш тартиби давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом¹ (бундан кейин — Низом) билан тартиби солинади.

Бола туғилганда бир марталик нафака кўп йил ишлаганлик учун тўловларни ҳисобга олмасдан, бироқ белгиланган туман коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда тўланади (Низом 79-бандинг иккинчи хатбошиси).

Хомиладорлик ва туғиши нафақаси кўп йил ишлаганлик учун тўловларни ҳисобга олган ҳолда тўла-

нади, чунки у ходимнинг сугурта бадаллари ҳисоблаб ёзиладиган иш жойидаги барча турдаги иш ҳақи ҳисобга олинадиган ҳақиқатдаги иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисобланади (Низомнинг 50-банди). Солик кодекси 173-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига ва 307-моддасига кўра, кўп йил ишлаганлик учун пул мукофотлари ва тўловлар суммасига сугурта бадаллари ҳисоблаб ёзилади. Тегишинча, хомиладорлик ва туғиши нафақасининг ҳисоб-китоби уларни ҳисобга олган ҳолда ва белгиланган туман коэффициентларини ҳисобга олиб бажарилиши керак (Низомнинг 58, 64 ва 65-бандлари).

Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни



парвариш қилиш бўйича нафака туман коэффициентлари ва кўп йил ишлаганлик учун тўланган суммаларни ҳисобга олмасдан тўланади, чунки Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафака тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомда (бундан кейин — 1113-сон Низом) ушбу нафақани амалдаги энг кам иш ҳақининг 200% мидорида, бироқ ҳеч қандай қўшимча ҳақларни ҳисобга олмасдан туриб тўлаш назарда тутилган.

Хукукларингиз поймол этилганлиги тўғрисида ариза билан корхона маъмурятига мурожаат қилишнинг керак, келишувга эришилмаган тақдирда эса судга мурожаат қилишнинг мумкин.

¹Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган бўйруғи билан тасдиқланган.

²МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 2002 йил 14 марта 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

НАФАҚА ИШ ЖОЙИДА ТАЙИНЛАНАДИ

Ходимамиз декрет таътилига чиқди. Боласи 8 ойлик бўлгач унга нафака тўлаш тўғрисида ариза олиб келди. Ярим йил у маҳалла фуқаролар ийгинига қатнаган, бу ерда унга рад жавоби беришган, чунки эри корхонада ишламаслиги сабабли иш жойидан маълумотнома олиб келмаган. Қисқаси, бола 2 ёшга тўлгунча унинг нафақасини ким тўлаши керак — маҳаллами ёки бизнинг МЧЖми (биз бюджетдан ташқари ташкилотмиз)?

Бош бухгалтер.

— Ходимангиз маҳаллага умуман мурожаат қилиши керак эмас эди, чунки 1113-сон Низомга кўра ишлаётган (шунингдек бюджетдан ташқари ташкилотларда ҳам), болани ҳақиқатда парвариш қилаётган шахсларга нафака иш жойида тайинланади.

Болани парваришлаш нафақаси тайинланиши учун ариза берувчи қуйидагиларни тақдим этиши керак:

- а) болани парвариш қилиш нафақаси тайинлаш тўғрисида ариза;
- б) бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан нусха.

Эслатиб ўтамиш, нафака ушбу корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади. Нафака тўлашга сарфланган маблағлар давр ҳаражатларига киритилади ва юридик шахслар фойдасига солик солинадиган база ушбу суммага камайтирилади.



ҲИМОЯЛАНИШГА УРИНИБ КЎРИНГ

Мен 1983 йилда ишлаб чиқариш жароҳатини олдим. Далолатнома тузилиб, иш ҳақининг 60% мидорида меҳнатта лаёқатсизлик бўйича тўлов тайинланди. Менга II гуруҳ ногиронлик белгиланганлиги боис, саломатлигим ҳолатига кўра ишдан бўшатилдим.


10 йиллик стажга ва 158 рубль ўртacha иш ҳақига эга бўлиб, мен ногиронлик бўйича 90 рубль мидорида пенсия ва корхонадан далолатнома бўйича тўлов олдим. З йиллик даволанишдан кейин менга III гуруҳ ногиронлик беришди, унга кўра 29 рубль мидорида ногиронлик нафақаси тайинлаши ва далолатнома бўйича тўлов олишда давом этдим. 2006 йилда менга яна II гуруҳ ногиронлик белгиланди, пенсия 80 000 сўмни ташкил қилди. Йиллар жамғармаларимнинг ҳаммасини «еб қўйди»: 1983 йилдан 2002 йилга қадар далолатнома бўйича тўловларни омонат дафтарчамга тўплаб борардим, 2002 йилда эса ушбу тўловлар корхонанинг банкротлиги туфайли тўхтатиди. Президентнинг ишлаётган пенсионерларга 50% мидорида пенсия тўлаш тўғрисидаги Фармони кучга кирди.

Ижтимоий таъминот бўлими олдида қарзим кўпайиб кетди, чунки пенсияни менга тўлиқ ҳажмда тўлашган эди. Бўлим менинг пенсиямни тўлалигича қарзни сўндириш ҳисобига ушлаб қолди, яъни мен ҳеч нимасиз қолдим. 2008 йилда яна касал бўлдим ва бўлимга мурожаат қилдим. Менга озгина тўловлар тайинланди. Ўша касаллигимга III гуруҳ ногиронлигини белгилашди. 2010 йилда III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсияси бекор қилинди. Ёшга доир пенсияга чиқишимга 2 йил қолган, саломатлигим эса ёмонлашиди. Мен пенсия ёшига етгунимга қадар III гуруҳ ногирони сифатида қандай тўловларни олишга ҳақиман?

Газетхон.

— «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидағи Қонуннинг¹ (бундан кейин — 938-XII-сон Қонун) 65-моддасига мувофиқ ҳар ойлик ушланмалар суммаси пенсиянинг 50%идан ошмаслиги керак. Пенсия тўлаш тўхтатилган холларда эса (масалан, меҳнат лаёқати тикилниши оқибатида) ортиқча тўланган пенсия суммалари бўйича қарзни тўлиқ сўндиришига қадар қолган қарз факат суд тартибида ундирилади. Пенсиясидан нотўғри ушланмалар килинганда, шу жумладан пенсиясининг 50%идан кўп қисми ушланган тақдирда пенсионер судга Пенсия жамғармаси ходимларининг нотўғри ҳаракатлари устидан шикоят қилишга ҳақлидир. Айборд шахсларни жазолаш талабидан ташқари умънавий зарарнинг пуллик компенсацияси тўланнишини (Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 1020-1022-моддалари) ва нотўғри ушланган маблағлар суммасига фойизлар тўланнишини (ФКнинг 327 ва 1028-моддалари) таълаб қилиши мумкин. Бироқ даъво қилиш муддати 3 йилни ташкил этишини эътиборда тутиш керак. Агар суд даъво қилиш муддатининг ўтиб кетиши сабабини узрли деб топса, поймол этилган хукуқ ҳимоя қилиниши керак.

Ногиронлик гурухини ТМЭК ҳаёттий фаoliyati ning cheklanganlik daражасига қараб белгилайди. Қўриқдан ўтаётган шахс туман, туманларо, шахар, ихтинослашган ТМЭКнинг қарорига қўшилмаса, у бир ой мобайнида бош ТМЭК² ёки белгиланган тартиб-



да судга мурожаат қилиши мумкин. Ариза келиб тушандан кейин 3 кун мобайнида ТМЭК қайта қўриқдан ўтказиш далолатномасини бош ТМЭКга беради, у кейинги 15 кун мобайнида ариза берувчини қайта қўриқдан ўтказади ва ўз хуласасини чиқаради. **Бош ТМЭК хуласасига қўшилмаган тақдирда фуқаро Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг Республика ногиронларни тиббий ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва реабилитация қилиш инспекциясига ёки бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир³.**

938-XII-сон Қонуннинг 15-моддасига кўра ногиронлик пенсияси қонун хуҷжатлари билан белгиланган тартиби I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади. III гуруҳ ногиронларига тўловлар қонун хуҷжатларида назарда тутилмаган.

«Norma» МЧЖ юрисконсульты Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!


«Норма маслаҳатчи» N 30 (315)

2011 йил 26 июль


ISSN 2091-5209

САМАРАЛИ ХУЖЖАТЛАР АЙЛАНУВИ ВА ТЕЗКОР МАТБАА УЧУН ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР

✓ Түлиқ рангли ва монохром копирлар, принтерлар, күпфункциялы оғис тизимлари, **Konica Minolta** босмасининг самарали тизимлари



✓ RISO ракамли мини-босмахоналари, матбаа ускуналарининг кенг спектори



✓ ACCO Brands оғис ускуналари



✓ Шахсий компьютерлар ва лицензияланган дастурий таъминот



- Кафолат, фойдаланишнинг бутун даврида техник кузатув
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар

ATK TURON - Konica Minolta, RISO, ACCO Brands расмий ҳамкори

Тел./факслар: 237-47-00, 237-48-00. E-mail: info@atcturon.uz; www.atcturon.uz

Рўйхатлар

* Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 28 июндаги қарорига асосан Сергели туманида тугатилаётган корхоналар рўйхатини РЎЙХАТИ

Корхона номи

«TAGIR» XФ
«MUROD AVTO SERVIS» XК
«ALISHER VA NURSAID» МЧЖ
«LEMMGOLD» XК
«XUSNIYA SAVDO» XК
«O'ZBEGIM JOVOXIRI» МЧЖ
«NURIOS-NURI» МЧЖ
«REFINTRADE» XК
«RECON SERVIS» XК
«HAF» МЧЖ
«LIGA-PRESS GROUP» МЧЖ
«ABDUGAFUR AVLADI» XК
«BLESS STOMA SERVIS» XК
«YUVELIZ» XК
«KAMIBRA» МЧЖ
«TASHKENT DARGOL» МЧЖ
«NUR FERUZ PLYUS» МЧЖ
«MEGA TRADEPLUS» МЧЖ
«SHODEBEK AVTOTEX SERVIS» МЧЖ
«ALIGATOR NETWORK» XК
«TAKSOFON» МЧЖ
«FARKO SERVIS» XК
«ISHONCH TOM» XФ
«MR ODONELL TRADE» МЧЖ
«NIGINA STOM» XК
«ALPENBLOK STROY» МЧЖ
«EMMANUIL TRADING» XК
«KRAUSBERG FOOD» МЧЖ
«CHUMOLI» XФ
«LOTOS LILI» XC МЧЖ
«ALMANAK TRADE» МЧЖ
«FARRUX JIYAN» XК
«MARJONA MARDONA SAVDO FAYZ BARAKA» XК
«KRUZO-FINE-SERVICE» МЧЖ
«DILOROM TAQM PLUS» ШК
«AVTO UNIVERSAL CARGO» МЧЖ
«GOOD LUCK KENTAU» МЧЖ
«MATEKS» XФ
«CHAROZ GOLD» XК
Мазкур корхоналарнинг муҳр ва штамплари ҳамда бирламчи хужжатлари, гувоҳномаси бекор қилинсин.

Қарор рақами

10-1117/9544(21)-т
10-1117/9545(21)-т
10-1117/9546(21)-т
10-1117/9559(21)-т
10-1117/9567(21)-т
10-1117/9568(21)-т
10-1117/9566(21)-т
10-1117/9531(21)-т
10-1117/9562(21)-т
10-1117/9565(21)-т
10-1117/9564(21)-т
10-1117/9554(21)-т
10-1117/9530(21)-т
10-1117/9547(21)-т
10-1117/9539(21)-т
10-1117/9541(21)-т
10-1117/9556(21)-т
10-1117/9558(21)-т
10-1117/9542(21)-т
10-1117/9563(21)-т
10-1117/9537(21)-т
10-1117/9560(21)-т
10-1117/9561(21)-т
10-1117/9540(21)-т
10-1117/9548(21)-т
10-1117/9532(21)-т
10-1117/9534(21)-т
10-1117/9549(21)-т
10-1117/9543(21)-т
10-1117/9555(21)-т
10-1117/9529(21)-т
10-1117/9536(21)-т
10-1117/9557(21)-т
10-1117/9533(21)-т
10-1117/9553(21)-т
10-1117/9552(21)-т
10-1117/9551(21)-т
10-1117/9550(21)-т
10-1117/9535(21)-т

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги банкрот деб эълон қилинган ва тугатувга доир ишлар бошланган

корхоналар РЎЙХАТИ

Карор рақами
10-1116/10999
10-1116/11244
10-1116/11629
10-1116/11631

Юридик манзили

Бобур кўч., 73 ўй.
Ш.Руставели кўч., 8 ўй.
Братислава кўч., 11 ўй, 103 х.
Х.Умаров кўч., 10 ўй.

Юқоридаги корхоналар бўйича тугатув бошқарувчиси этиб Яккасарой тумани ДСИ ходими М.Чутов тайинлаган. Ушбу корхоналарга тегишили думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиқсан кундан бошлаб 2 ой давомида Яккасарой тумани, Фарҳод кўч., 6А ўйдаги Яккасарой тумани ДСИнинг 3-қаватидаги 310-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 15 июлдаги ажримига асосан Шайхонтохур туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхоналар номи Ажрим рақами

«Regenerate» МЧЖ 10-1116/11724
«Chorsu gold» МЧЖ 10-1116/12043

Кредиторларнинг биринчи йигилиши 2011 йил 28 июль соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туман, А.Навоий кўч., 7 "а" ўй, 307-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 1 августда Тошкент шаҳар хўжалик судининг 4-суд мажлислари залида соат 15.30 да кўрилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш хўкуқига эга.

Тел. 241-30-86.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 15 июлдаги ажримига асосан Шайхонтохур туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхоналар номи Ажрим рақами

«Mega metal story invest plus» МЧЖ 10-1114/11924
«Letro trade» МЧЖ 10-1114/11923
«Henkel innovation» МЧЖ 10-1114/11922

Кредиторларнинг биринчи йигилиши 2011 йил 11 июль соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туман, А.Навоий кўч., 7 "а" ўй, 307-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 17 августда Тошкент шаҳар хўжалик судининг 4-суд мажлислари залида соат 10.00 да кўрилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш хўкуқига эга.

Тел. 241-30-86.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарорларига асосан Яккасарой туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи СТИР
«Tel-Aviv Medikal» ҚҚ 206717473
«Unibaltik-Invest» XК 202754090
«Golkand-Graf Audit» АФ 205015350
Корхоналарнинг муҳр, штамп, рўйхатдан ўтгандик гувоҳномаси ва уставлари бекор қилинади.

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ
УЛГУРЖИ САВДОСИ**
Муваффақиятга эршишингизга кўзаб ишлаймай!

ЧИЛОНЗОР САВДО УҮЙ

ЦЕМЕНТ
 Битум, рубероид

Алебастр, бўр, оҳак
 Кальций карбиди
 Электродлар
 ПВА елими,
 дурадгорлик КМЦ елими
 Суюлтиргич эритгич 649
 Куруқ қурилиш аралашмалари
 (гипсли, цементли)
 Эмаллар, локлар,
 бўёклар, алифмой
 Шпатлёвка
 Линолеум
 Саморезлар 32.5.176
 Махсус кийим-бош ассортименти

092-11

Ҳимоя каскалари
 Респираторлар
 Ҳўжалик моллари
 Қурилиш михлари 32-120
 Сетка-рабица
 Гипсокартон
 Кум, шағал
 Шифер
 Қурилиш анжомлари
 Кетмонлар, болталар,
 катта болғалар, ломлар
 Белкураклар (тиғли, куракли)
 Ёзув-чизув товарлари
 Рухланган пўлатдан профиллар

ШУНИНГДЕК 300 ДАН ОРТИҚ НОМЛАНИШДАГИ БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР

8-371-140-00-12
8-371-140-04-12

Toшкент ш., Бунёдкор кўч., 42
chsu.torg@mail.ru

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

ЁФОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ
ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тулов - исталған шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ



237-51-33
237-47-20
237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«AMIR-AUDIT» МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия

ЎзР Админ 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувохномаси

Ўзбекистоннинг бутун
худудида барча хўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувларини амалга оширади
**Бухгалтерия ҳисоботи
ва баланс тузиш**

САР ва СИРА сертификатларига эга
булган аудиторлар ишга тақлиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

**«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ**

аудиторлик ташкилоти

ЎзР МВнинг 28.07.2006 йилдаги 00067-сон лицензия

**Барча хўжалик юритувчи субъектларда
аудиторлик текширувлари**

Ўзбекистон Республикасининг солик
ва молия конун хўжатларига мувофиқ
барча консалтинг хизматларини кўрсатади

Манзил: Тошкент ш., Гавоҳар кўч., 124.
Тел. (8371) 279-47-16. Факс (8371) 279-44-01.
Узни: (+99897) 402-05-00, 340-98-82,
335-19-67, (+99894) 663-77-74.
E-mail: Id_nazorat-audit@mail.ru

Виконтлардаги алоқа Болгали телефонлари:
Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 524-51-55,
Сурхандарё (+99862) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63,
Наманган (+99869) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

ЭЪЛОНЛАР**ЭЪЛОНЛАР****БАХОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ**

Бахолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.

Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

ХИЗМАТЛАР

Машиий техникани таъмирилаш.

Тел. (+99897) 432-75-06.

Компьютерларни таъмирилаш, шахсий компьютерларга техник хизмат
кўрсатиш. Windows, дастурний таъминот ва Интернет ўрнатиш ва
созлаш. Жойига чиқиш билан. Тел.: (+99893) 577-44-56. Михаил.

Ташкилий техникани таъмирилаш ва тўлдириш.
Тел. (+99897) 340-45-08.

Компьютерларга хизмат кўрсатиш.
Тел. (+99897) 438-41-22.

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, төхник, тиббиётга оид ҳужжат-
ларни малакали таржима қилиш. Легаллаштириш.
Тел.: 252-38-71, 454-80-01.

Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъ-
мирилаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

Курилиш-таъмирилаш ва пардозлаш ишлари.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат бино-
ларини лойиҳалаштириш*.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

*Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 13 июлдаги 10-1115/
11710-сонли ажримига асосан Тошкент шаҳар Шайхонтохур тума-
нидаги «Uz Ros Bravo Impeks» МЧЖ ҚКни банкрот деб ётироф этишга
оид иш юритилиб, унга нисбатан кузатув жараёни бошланди.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2011 йил 26 июль соат 9:00
да Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туман, А.Навоий кўч., 7 "а" уйдаги
307-хонада ўтказилди ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади.
Банкротлик иши 2011 йил 26 июлда Тошкент шаҳар ҳўжалик суди-
нинг суд мажлислари залида соат 10:30 да кўрилади. Ушбу корхона-
ларнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳукуқига ёга.

Тел.: 241-30-86.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори асосида ЎзР Адлия
вазирилигига рўйхатдан ўтказилган "ORIENTAL CORPOREYSHN" Америка
ШК тугатилмоқда. СТИР рақами 203285002. Корхонанинг таъ-
сис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганилиги тўғрисидаги гувохно-
малари ҳамда муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архиви-
га топшириладиган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар
даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб иккى ой муддатда куй-
идаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар ҳокимиюти, А.Темур
шоҳкўч., 3-й.

Иккисодий-ҳукуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИХУКУК
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ**ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ**

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигига рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР**ФАРХОД КУРБОНБЕОВ**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъуль:
Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Таҳририят муштарайлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материялларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа
манбаларда кўпайтиши, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитвлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ
босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1128 Адади 3950. Баҳоси келингилан нархда

Газета 2011 йил 22 ийда соат 23:00 да топширилди.

ISSN 2010-5223

Тошкент шаҳар ҳўжалик суди-
нинг 2011 йилдаги 1 июлдаги
10-1115/10936-сонли ажримига
acosan Сергели туманидаги
«CONCRETE MAX PLUS» МЧЖга
нисбатан кузатув таомили эълон
килинди, муваққат бошқарувчи
этib Сергели тумани ДСИ ходи-
ми М.Ахмурзаева тайинланди. Суд
муҳокамаси 2011 йил 25 июлда
соат 14:30 да Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чопон-ота кўч.,
б-йда жойлашган Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносида бўлиб
ўтади.

Кредиторлар томонидан эълон
чиқкан кундан бир ой давомида
куйидаги манзилга мурожаат этиш-
лари мумкин: Сергели туман,
3-мавзе, Янги Сергели кўч.,
б-йда жойлашган Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносида бўлиб
ўтади.
Тел. 257-74-51, 257-85-93.

Тошкент шаҳар ҳўжалик
судининг 2011 йил 28
июндаги ажримига асосан
Сергели туманидаги корхона-
ларга нисбатан кузатув
таомили эълон қилинган
корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи Ажрим рақами
«SUPER TREASURE» МЧЖ 10-1115/10581
«KRASNIY KORDINAL» МЧЖ 10-1115/10583
«SHOH MANSUR» ХК 10-1115/10580
Муваққат бошқарувчилари этиб
Сергели тумани ДСИ ходимлари
М.А.Ахмурзаева ва Ш.Муродовлар
тайинланди. Суд муҳокамаси 2011
йил 19 июлда соат 14:30 да Тош-
кент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чопон-ота кўч., б-йда жойлаш-
ган Тошкент шаҳар ҳўжалик суди
биносида бўлиб ўтади.

Кредиторлар томонидан эълон
чиқкан кундан бир ой давомида
куйидаги манзилга мурожаат этиш-
лари мумкин: Сергели туман,
3-мавзе, Янги Сергели кўч., б-йда
жойлашган Тошкент шаҳар ҳўжалик суди
биносида бўлиб ўтади.
Тел. 257-74-51, 257-85-93.

Энг яхшисини топ!

top**237-51-33****237-47-20****237-47-05**